| Қишга қачон ҳозирлик кўрасиз? ✲2-бет | Людмила ✲3-бет | Кўприк остидаги учрашув ✲4-бет |
|---|---|---|



Президентимизнинг жорий йил 29 майдаги «Республика иқтисодиёти тармоқларини 2008-2009 йил куз-қиш даврида барқарор ишлашга тайёрлашни таъминлаш чора-тадбирлари тўғриси-да»ги қарори юзасидан Қашқадарё вилоятида ҳам муайян тадбирлар амалга оширилаяпти.



— Ажойиб аёл, умрининг катта қисмини касаба уюшма тизимига бағишлади. Яқинда «Эҳтиром» нишони соҳибаси бўлди, — деб қолди дўстларимдан бири. Кунига минг бор кўраман, аммо унинг қандай инсон эканлигини, маъюс юрагида улкан ҳаёт бўҳронлари кўпириб ўтганлиги, шижоати, ғайратини, ўкинч-армонларини ҳис этмаганимдан уялиб кетдим.



Илиқ баҳор кунларининг бирида ўғли билан қишлоққа йўл олган Фарҳод амаки бобосининг ҳовли боғига етаверишда жаладан сўнг анҳор суви тошиб, ҳамма ёқни вайрон этиб юборганига, лойқаланган сув бетон кўприк устигача кўтарилиб, кутилмаганда кучук болаларини оқизиб бораётганига кўзи тушади.


*Insonga naf keltirish — oliy baxt*



# Ishonch

Оз нарсага қаноат қилган одам давлатманддир, негаки, бундай қаноат унинг маънавий бойлигидан далолат беради.
**СУКРОТ**

*2008-yil 4-noyabr, seshanba №135 (2548)*

**O`zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi gazetasi** — **Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan**


**Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ**

## АҲОЛИНИНГ ОМОНАТЛАРИНИ ЖАЛБ ҚИЛИШ БЎЙИЧА РЕСПУБЛИКА ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ ЎРТАСИДА ТАНЛОВ ЎТКАЗИШ ТЎҒРИСИДА

Аҳолининг бўш пул маблағларини банклардаги омонатларга жалб қилиш бўйича тижорат банкларини қўшимча рағбатлантириш ва уларнинг фаолиятини кучайтириш, банкларнинг инвестициявий имкониятларини янада кенгайтириш учун уларнинг ресурс базаларини мустаҳкамлаш, шунингдек, аҳолига кўрсатилаётган банк-молия хизматлари сифатини ошириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, Ўзбекистон Банклари уюшмаси ва тижорат банкларининг ҳар йили январ ойида тугаган йил якунлари бўйича аҳолининг омонатларини жалб қилиш юзасидан республика тижорат банклари ва уларнинг филиаллари ўртасида танлов ўтказиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

2. Белгилансинки:

танловда республиканинг барча тижорат банклари ва уларнинг бўлинмалари (филиаллари, мини-банклар, жамғарма ва махсус кассалар) иштирок этиши мумкин;

рейтинг баҳога кўра йил якунлари бўйича энг юқори балларни тўплаган тижорат банклари, филиаллар, мини-банклар, жамғарма ёки махсус кассалар танлов ғолиблари сифатида тан олинади;

танлов соврин жамғармаси танловда иштирок этаётган тижорат банклари ҳамда Ўзбекистон Банклари уюшмаси маблағлари ҳисобидан шакллантирилади.

3. Аҳолининг омонатларини жалб қилиш юзасидан республика тижорат банклари ўртасида ҳар йили танловлар ўтказишни ташкил этиш, якунларини чиқариш ва ғолибларни аниқлаш учун 1-иловага мувофиқ таркибда ташкилий қўмита тузилсин.

4. Аҳолининг омонатларини жалб қилиш юзасидан республика тижорат банклари ўртасида танлов ўтказиш ҳамда унинг иштирокчиларини рағбатлантириш тартиби тўғрисидаги Низом 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

5. Ташкилий қўмита (Ф.М.Муллажонов):

икки ҳафта муддатда танловни ўтказиш тартиби ва шартларини тижорат банкларига етказишни;

зарур миқдорда соврин жамғармасини шакллантиришни ва танлов ғолибларининг холисона аниқланишини таъминласин.

6. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, оммавий ахборот воситалари ташкилий қўмита билан биргаликда танлов ўтказилиши ва унинг натижалари кенг ёритилишини таъминласин.

7. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р.С.Азимов ва Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Раиси Ф.М.Муллажонов зиммаларига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2008 йил 31 октябр





Икром ҲАСАНОВ олган сурат

## Янгиликлар панорамаси

**Изланиш, янгилик яратиш — давр талаби. Ишлаб чиқаришни такомиллаштириш, тармоқни кенгайтириш иқтисодий юксалишга олиб келади.**

### Хизмат такомиллашди

Каттақўрғонлик ўрмончилар ҳам ана шу йўлдан боришаётир. Улар халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқаришда муайян тажриба тўплашган. Амалдаги йилда аҳил жамоа 500 куб метр ёғочбоп, 200 куб метр қурилишбоп, 200 куб метр мебелбоп материаллар тайёрлашга эришди.

Хўжаликда касаначилик меҳнатининг ташкил этилгани янги иш ўринлари пайдо бўлишига сабаб бўлмоқда.

**Нурилла ШАМСИЕВ,**
**«Ishonch» мухбири**

**БМТ Тараққиёт Дастури «Ҳудудларни комплекс ривожлантириш» лойиҳаси доирасида Қашқадарёда иккита марказ ишлаб турибди. Аҳоли фаровонлигини янада оширишга мўлжалланган бу лойиҳа бўйича Китоб ва Нишон туман қишлоқлари инфратузилмасини ривожлантиришга қаратилган муайян ишлар амалга оширилди.**

### Халқаро лойиҳа асосида

Китоб туманидаги Севаз, Темирчи, Сарой қишлоқлари газлаштирилди, Китоб шаҳридаги Ибн Сино кўчаси электр тармоқлари таъмирланди, Ғафур Ғулом кўчасида нуронийлар чойхонаси, Пахтаобод ва Санам қишлоқ фуқаролар йиғинлари учун янги маъмурий бино барпо этилмоқда.

Бундан ташқари, Ровот, Қўрғонча, Жайронхона, Тубчоқ қишлоқларини тоза ичимлик суви билан таъминлаш режалаштирилган.

Аҳолининг тадбиркорлик имкониятларини кенгайтириш мақсадида Китоб тумани бўйича чорвачилик ва узумчиликни ривожлантириш учун Тараққиёт Дастури томонидан 61 миллион сўм, нишонлик фермер ва тадбиркорларга 45 миллион сўм имтиёзли кредитлар ажратилди.

**Ўз мухбиримиз**

**Наманганда тиббий хизмат кўрсатиш тобора яхшиланиб бормоқда. Тармоқ моддий-техника базаси мустаҳкамланаётганлиги бунга имкон яратмоқда.**

### 9 та янги «Дамас-амбуланс»

Осиё Тараққиёт ва Тикланиш банки ёрдамида яна бир тадбир амалга оширилди. Яқинда шифокорлик пунктларида фойдаланиш учун 8 та «Дамас-амбуланс» сотиб олинди. Биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш жиҳозлари билан таъминланган автомобиллар қишлоқ шифокорлик пунктларининг чақирувига жавобан зудлик билан етиб боради ва амалий ёрдам кўрсатади.

**Обиджон ЖУМАНАЗАРОВ,**
**«Ishonch» мухбири**

**«Тахиатош темир-бетон» масъулияти чекланган жамиятида 50 нафардан зиёд ишчи меҳнат қилади. Шу кунларда жамоанинг қўли-қўлига тегмайди. Қорақалпоғистонда бунёдкорлик, ободончилик тадбирларининг кўлами кун сайин ортиб бораётганлиги улардан шижоат билан меҳнат қилишни талаб этмоқда.**

### Муносиб улуш

Жорий йилда жамоа Нукус, Тахиатош ва Чимбойдаги бир қатор касб-ҳунар коллежларини бунёд этиш учун темир-бетон етказиб берди. Айни пайтда, Республика Жўқорғи Кенгеси биносини бунёд этишга ўз ҳиссасини қўшмоқда. Шунингдек, Тахиатошдаги бир қатор маиший бинолар ҳам ушбу жамоа кўмаги билан қад ростлади.

Меҳнатнинг қадр топаётганлиги иш ҳақининг ўз вақтида берилаётганлиги ҳамда жамоа шартномасида ўрин олган қатор қулайликлар, ишчи-хизматчилар ғайратига ғайрат қўшмоқда. Ходимларнинг ойлик маоши ўртача 150 минг сўмдан зиёд бўлиб, бошқаларга ўрнак бўлаётганлар қўшимча тақдирланмоқда.

— Ўтган давр мобайнида 200 миллион сўмдан ортиқ фойда кўрдик, — дейди жамоа сардори Т.Ўтепбергенов. — Ҳали буюртмаларимиз кўп. Уларни ўз вақтида сифатли адо этиб, муваффақиятларимиз салмоғини янада оширамиз.

**Муҳаббат ТЎРАБОЕВА,**
**«Ishonch» мухбири**

**Жиззах вилоятидаги мавжуд 10847 та юридик шахс мақомига эга корхонада жамоа шартномалари ҳамда 40 дан ортиқ вилоят туманлар миқёсидаги ҳудудий тармоқ келишувлари амал қилмоқда. Уларда касаба уюшмалари томонидан хотин-қизлар ва ёшлар, ижтимоий ҳимояга муҳтож ходимлар ҳуқуқларини рўёбга чиқаришга жиддий эътибор қаратилган.**

### Ишловчи аёлларга имтиёз

Бугунги кунда вилоят халқ хўжалиги тармоқларида 150076 нафар хотин-қиз меҳнат қилаяпти. Йилига ўртача бир ярим минг нафардан зиёд аёллар қўшимча таътил олиб, 260 нафарининг ҳомиладорлик ва туғиш таътиллари узайтирилди.

Аҳолини иш билан таъминлаш, тадбиркорлик ва рақобатни қўллаб-қувватлаш ҳамда ривожлантириш ҳудудий дастурига кўра 14721 нафар аёл доимий иш ўрнига эга бўлди.

**Абдуманноп АЗИМОВ,**
**«Ishonch» мухбири**


## «ISHONCH» — сизнинг дўстингиз

*Агар мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли бунёдкорлик ишлари, меҳнаткашлар манфаатларини ҳимоя қилиш борасидаги долзарб мақолалар, машҳурлар ва эл назаридаги юртдошларимиздан эксклюзив интервюлар, инсон руҳияти инъикоси бўлган асарлар ва бугуннинг нафаси уфуриб турган янгиликлардан энг биринчи бохабар бўлай десангиз...*



**...«ISHONCH» билан дўстлашинг!**

**Мабодо уни газета пештахталаридан топа олмасангиз...**

***...«ISHONCH»га ОБУНА бўлинг!***

**Шунда у кунора эшигингизни ўзи тақиллатиб боради.**

**«Ishonch» йил давомида сизнинг энг яқин ҳамкорингиз ва маслаҳатчингиз бўлиб қолади!**


## ■ Маҳалла тинч, юрт тинч

# Меҳр кунда керак

Сурхондарё вилоятидаги 120 та қишлоқ фуқаролар йиғинлари тасарруфида 698 та маҳалла фуқаролар йиғини фаолият кўрсатмоқда. Олий Мажлис Сенати томонидан тасдиқланган 2007-2008 йилларга мўлжалланган ҳаракат дастури жуда қўл келмоқда. Вилоятда фаолият кўрсатаётган ўзини-ўзи бошқариш органларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш мақсадида вилоят ҳокими ташаббуси билан «Маҳалла» жамғармамиз ҳисобига ҳомийлик маблағлари тушириляпти. Ушбу маблағлар туфайли қишлоқ ва маҳалла фуқаролар йиғинларининг электрон манзиллари жорий этилди ҳамда самарали ахборот алмашинуви йўлга қўйилиб, 120 та компютер, 120 та телефон билан таъминланди.

Вилоят «Маънавият ва маърифат» маркази билан ҳамкорликда «Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари ходимларини ўқитиш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш ўқув маркази ташкил этилгани ҳам айни муддао бўлди.



Маҳаллаларимизда кам таъминланган оилаларни қўллаб-қувватлашга доимий эътибор қаратилмоқда. «Маҳалла» жамғармаси туман бўлимлари тавсияси билан «Ўзбекэнерго» ДАК ва «Жарқўрғон нефтни қайта ишлаш» Ўзбекистон-Россия қўшма корхонаси Узун ва Жарқўрғон туманларидаги 200 та кам таъминланган оилага ёрдам қўлини узатди.

Маҳалла фаолларининг тиниб-тинчимаслиги боис, томорқаси йўқ оилаларга томорқалар бериляпти. Йўлларга тош ва асфалт тўшалмоқда. Ичимлик суви ва газ таъминотлари яхшиланмоқда. Амалга оширилаётган савобли ишларда фермерларнинг ҳам ҳиссаси катта. Улар ёлғиз, кекса, болаликдан ногирон, боқувчисини йўқотган оилаларга меҳр кўрсатиб, беминнат ёрдам кўрсатишда бир-бирларидан қолишмаяптилар. Меҳр кунда керак, деган ҳикмат бугун бутун бўй-басти билан намоён бўлмоқда.

**Эркин КЎЧКИНОВ,**
**Сурхондарё вилоят «Маҳалла» хайрия жамғармаси раиси**

## Касаба уюшмалари ҳаётидан

# Модернизациялаш ва манфаатдорлик



Шундай бўлдики, «Боғоттекс» акционерлик жамиятининг асбоб-ускуналари эскириб, замон талабларига жавоб бермай қолди ва банкрот деб эълон қилинди. Унинг негизида 2005 йил «Боғоткоттон», 2007 йил «Коттонтекс» қўшма корхоналари ва 2008 йилнинг 1 июлидан «Баганепссервис» хусусий корхонаси ташкил этилди. Бугунги кунда ушбу корхоналар муваффақиятли фаолият юритмоқда.

Худди шундай ўзгаришлар «Гурлан» акционерлик жамиятида ҳам рўй берди. Унинг негизида 2007 йил «Мурувват-текс» хорижий шўъба компаниясининг Гурлан фабрикаси иш бошлади.

Вакиллик томонидан янги ташкил этилган корхоналарда касаба уюшма ташкилоти тузилиб, жамоа шартномалари қабул қилинди. Ишчи-хизматчиларнинг меҳнатини муҳофаза қилиш, техника хавфсизлигини таъминлаш, ходимларга меҳнат ва дам олиш учун шароитлар яратиш каби масалалар иш берувчилар, бошланғич касаба уюшма ташкилоти ва вакилликнинг диққат марказида турибди.

Умуман, вакиллик томонидан жорий йил 4 та соҳа раҳбарияти билан ишчи-хизматчиларни ҳимоялаш мақсадида тармоқ келишувлари тузилган ва юқори касаба уюшма органида экспертиза қилиниб, меҳнат органидан билдириш рўйхатидан ўтказилган.

Бундан ташқари, тармоқ корхона, ташкилотларида бошланғич касаба уюшма қўмитаси ва иш берувчи ўртасида 102 та жамоа шартномаси тузилиб, унинг ижросига жиддий аҳамият берилмоқда. Улар орқали меҳнаткашларга жорий йилнинг биринчи ярмида 280 миллион сўмлик хизмат кўрсатилди.

Бу муддатда меҳнатни муҳофаза қилиш ва хавфсизлик техникаси тадбирлари учун 26 миллион сўмдан зиёд маблағ йўналтирилди.

Жамоа шартномалари орқали узайтирилган таътиллар 100 га яқин корхона ва ташкилотларда татбиқ этилиб, ундан ўн мингга яқин ходим фойдаланди. Тармоқ корхона ва ташкилотларининг тўққизтасида 0 разряд ставкаси молиявий имкониятларни ҳисобга олган ҳолда юқори кўтарилиб, ушбу имтиёзлардан 4 мингга яқин ходим манфаатдор бўлган. Ишчи-хизматчиларидан 25 нафари санаторийларда дам олиб, соғлигини тиклади. Корхона маблағлари ҳисобидан эса 30 ходим шундай имкониятга эга бўлди.

Янги реконструкция қилинган корхоналарда ходимларнинг меҳнатга бўлган муносабати ўзгарди. Бу манфаатдорлик ошганлиги маҳсулидир. Бугун енгил саноат корхоналари ходимлари замонавий компютерлаштирилган дастгоҳларни маҳорат билан бошқармоқдалар. Уларнинг намунали ишлашлари ва кўнгилли ҳордиқ чиқаришлари учун барча шароитлар яратилган. Ювиниш хоналари, душ, санитар-маиший дастгоҳлар ишлаб турибди.

Вакиллигимиз томонидан иш шароитларини янада яхшилаш, меҳнаткашлар манфаатларини ҳимоя қилиш юзасидан изчил чора-тадбирлар амалга оширилаётир.

**Р. ИСКАНДАРОВА,**
**Енгил, мебел саноати, коммунал-маиший хизмат кўрсатиш ходимлари касаба уюшмаси Хоразм вилоят вакили**



# Касаба уюшма аъзосиман, сиз-чи?

**Нодавлат сектор ходими касаба уюшмасига аъзолик афзаллигини ҳис этмоқда**

Касаба уюшмасига аъзолик афзаллигини асослаш бугуннинг долзарб масаласи бўлиб турибди. Айниқса, нодавлат секторларида фаолият юритаётган ходимларни касаба уюшмаларига жалб этиш муҳимдир.

Жиззах вилоятида бугунга келиб 18832 та нодавлат секторига мансуб хўжалик юритувчи субъектлар мавжуд. Улардан 13904 тасида касаба уюшма ташкилотлари фаолият юритмоқда. Шундан 12004 тасида жамоа шартномаси тузилган бўлиб, 129018 нафар ходимнинг ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий, интеллектуал манфаатлари ҳимояланмоқда.

Айниқса, қурилиш, автотранспорт, савдо тизимларида нодавлат сектори бўйича фаолият юритаётган ходимларни касаба уюшма аъзолигига жалб этиш уюшқоқлик билан олиб борилаяпти.

«Шохруҳ-Шоҳинур», «Корона-Дон», «ХХ-Векстрой», «Суперавтотранс», «Бўстонстроймонтаж», «Жиззахмедсервис» сингари ўндан ортиқ хусусий корхоналарда бошланғич касаба уюшма ташкилотлари ўз фаолиятини муваффақиятли олиб бормоқда.

Жорий йилнинг ўтган даврида автотранспорт тизимидаги тўртта хусусий фирмада касаба уюшма ташкилотлари тузилиб, уларда фаолият юритаётган 350 нафар ходим касаба уюшма ташкилотига бирлашди.

— Жамоамизда 140 киши меҳнат қилади, — дейди «Жиззах-Олимпик» хусусий корхонаси бошланғич касаба уюшма ташкилоти етакчиси Азиз Ишонқулов. — Касаба уюшма ташкилоти тузилгач, ходимларимизнинг қонуний ҳақ-ҳуқуқлари ва манфаатлари жамоа шартномаси орқали ҳимояланадиган бўлди.

Вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси ҳамда тармоқ касаба уюшма ташкилотлари фаоллари янги ташкил этилаётган нодавлат сектори жамоаларида тез-тез бўлиб, касаба уюшма аъзолиги афзаллигини амалда асослаб беришаяпти. Амалий семинар-машғулотларда жамоа шартномасининг афзалликлари кенг тарғиб этилмоқда.

**Абдуманноп АЗИМОВ,**
**«Ishonch» мухбири**

## Бу ҳақда Вазирлар Маҳкамаси йиғилишида гапирилган эди

***Президентимизнинг жорий йил 29 майдаги «Республика иқтисодиёти тармоқларини 2008-2009 йил куз-қиш даврида барқарор ишлашга тайёрлашни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори юзасидан Қашқадарё вилоятида ҳам муайян тадбирлар амалга оширилаяпти.***

Нефт-газчилар маскани «Нуристон» шаҳарчасининг Гулистон ширкати раиси Эркин Авазовнинг таъкидлашича, бу ердаги иситиш тармоқлари, турар-жойлар аллақачон мавсумга тўлиқ тахт қилиб қўйилган.

Умуман, «Қашқадарёиссиқликманбаи» корхонасига таъмирлаш ишлари учун вилоят ҳокимлиги ёрдами билан 202 миллион сўм ўтказиб берилди, яна бюджет маблағларидан 407 миллион сўм ажратиш режалаштирилган. Хўш, Қарши шаҳридаги 22 та болалар боғчаси, 13 та умумтаълим мактаби, 10 та касб-ҳунар коллежи, кўплаб тиббиёт муассасалари, олий ўқув юртлари ва 516 та кўп қаватли уйларни иситиш масъулияти юклатилган бу ташкилот зиммасидаги вазифасини қай даражада адо этмоқда?



# Қишга қачон ҳозирлик кўрасиз?

Бултур қиш ҳаммани синовдан ўтказди. Қаттиқ совуқ оқибатида қатор туманлардаги иситиш қувурлари музлаб, ишдан чиқди. Электр энергиясидаги чекланишлар туфайли иссиқ сув берадиган насослар бузилиб, фойдаланишга яроқсиз бўлиб қолди. Биринчи вилоят шифохонаси, маданият коллежи, Хонтепа ва Махтумқули маҳаллаларидаги турар-жойлар, табиий газ тўсатдан тўхтатиб қўйилганлиги учун Нишон тумани марказидаги уйларда қувурлар ёрилиб, белгиланган босимдаги газ етказиб берилмаганлиги туфайли жиддий қийинчиликлар юзага келди.

Таассуфки, бу йилги мавсумга тайёргарлик ҳам талаблар даражасида эмас. Қарши шаҳрида яшовчи Е.Пучкованинг вилоят газетаси таҳририятига ёзган мактубида таъкидланганидек, «Қаршигаз» филиали, шаҳар электр тармоқлари, «Иссиқлик манбаи» идоралари умумфойдаланишдаги уй-жой хўжалигини мавсумга ҳозирлашда қолоқликка йўл қўймоқдалар. Хизмат кўрсатиш ташкилотларига сим қоқиб, аҳволдан бохабар қилишнинг ўзи бир муаммо. Хабар берсангиз ҳам кечикиб келишади. Мавжуд камчиликларни вақтида бартараф этишмайди.

Халқимизда «Қиш ғамини ёзда е» деган нақл бежиз айтилмаган. Мутасадди идоралар томонидан халқ таълими тизимидаги 1499 та масканнинг 1240 таси, соғлиқни сақлаш соҳасидаги 910 та муассасадан 845 таси, 82 та олий ва ўрта-махсус ўқув юртларидан 75 тасидаги аҳвол ўрганилганида кўпчилигида қувурлар тўлиқ таъмирланмаганлиги, дудбуронлар носозлиги, иситиш қозонлари хавфсизлик техникаси талабларига жавоб бермаслиги аниқланди.

Қарши ва Нишон туманлари тиббиёт бирлашмаси, Қарши шаҳри ҳамда Косон туманидаги юқумли касалликлар шифохоналари, вилоят болалар кўп тармоқли тиббиёт марказини кузги-қишки мавсумга тайёрлашда сусткашликка йўл қўйилаяпти.

Вилоят ички ишлар бошқармасининг ёнғин хавфсизлиги бошқармаси ходимлари Қарши туманидаги 9-мактаб, «Қалдирғоч» болалар боғчаси, Нишон туманидаги 28-, Қарши шаҳридаги 18-умумтаълим мактаблари, Косон туманидаги «Лола» мактабгача таълим муассасаси, Тошкент ахборот технологиялари университетининг Қарши филиалида текширув ўтказганларида, иситиш қозонлари хавфсизлик автоматикаси талабларига мос эмаслиги маълум бўлди. Айрим жойларда табиий газ қувурига тўғридан-тўғри резина шланкалар уланган. Иситиш қувурлари яроқсиз ҳолатга келиб қолган.

Вилоят марказидаги «Умар-Барака-Файз» ва «Шайх Али», Қарши туманидаги «Машъал-ҳамкорлик» уй-жой мулкдорлари ширкатларидаги турар-жойларни мавсумга тайёрлаш режалари тўлалигича адо этилмаган.

Кўздан кечирилган қозонхоналарнинг кўпчилигида таъмирлаш ишлари ҳозиргача туғалланмаган. Қувурлар иссиқликни сақловчи материаллар билан ўралмаган. Зарур жиҳозлар техник қаровдан ўтказилмаган.

Газ тақсимлаш пунктларида эшиклар зич ёпилмайди. Унутилган ўлчов монометрлари эскириб, носоз ҳолга келиб қолган. Ходимлар меҳнат муҳофазаси ва техника хавфсизлигини яхши билишмайди. Кўпгина жойларда ўрнатилиши шарт бўлган диоэлектр ва ёнғин ўчиргичлар йўқ. Касби, Нишон, Қарши, Яккабоғ, Миришкор, Косон каби қатор туманларнинг чекка қишлоқларида газ босими пастлигича қолмоқда.

Қарши «Иссиқлик манбаи» очиқ акциядорлик жамиятининг дебиторлик қарзи 1.452.576 минг сўмни, шу жумладан, аҳолининг жамиятдан қарздорлиги 1 миллиард 409 миллион 707 минг сўмни ташкил этади. Анча югур-югурдан сўнг кўп миқдорда қарздор бўлган 1210 нафар фуқаронинг фақат 77 нафаридан фуқаролик суди орқали муайян миқдордаги маблағ ундирилди, холос.

Вилоят ҳокимлигида қишга тайёргарлик бўйича ҳар ҳафтанинг чоршанба куни мутасадди ташкилотлар раҳбарлигида йиғилишлар ўтказиб турилибди. Шундай бўлса-да бу борадаги аҳвол ижобий томонга секинлик билан ўзгармоқда.

«Қишда ёпинчиқни қўйма, ёзда ўзинг биласан», дейди доно халқимиз. Вақт ўтиб бормоқда. Қиш-қировли кунлар тобора яқинлашмоқда. Бултурги мавсум сабоқларидан қачон хулоса чиқарилади?

**Иззат ХИКМАТОВ,**
**«Ishonch» мухбири**

## Бандлик дастури — амалда

# Излаган имкон топади

***Яқинда Сардоба туман маркази Пахтаобод аҳоли қўрғонида тармоқ касаба уюшмалари ва туман бандликка кўмаклашувчи маркази ҳамкорлигида «Бўш иш ўринлари ва вакант лавозимлар» ярмаркаси ташкил қилинди.***

***Меҳнат ярмаркаси эрта тонгдан куй-қўшиқлар билан бошланиб, барчани меҳнат бозорига чорлади. Тадбирда 27 та ташкилот ва корхона қатнашиб, салоҳият ва имкониятларини кўргазмали воситалар орқали намойиш қилдилар. Корхоналар ва ташкилотлар ярмаркада 103 та бўш иш ўрин билан иштирок этишди.***

***Тадбирда кўпчиликнинг ҳожати чиқди. Пахтабод қишлоқ хўжалиги касб-ҳунар коллежини битирган Нилуфар Бекмуродова туман ўсимликларни ҳимоя қилиш марказига ҳисобчи, қўшни Жиззах вилояти Дўстлик тиббиёт коллежини тамомлаган Нигора Боймуродова туман тиббиёт бирлашмасига ҳамшира сифатида ишга жойлашишди.***

***Халқ банкининг Сардоба филиалида ишга қабул қилинган Тошкент банк ҳисоб-кредит коллежини тугатган Азизбек Ҳусанбоевнинг хурсандчилиги ичига сиғмайди. Чунки у ҳам ижтимоий фойдали ишга қабул қилинди.***

***— Бундай меҳнат бозорларини, — дейди Сардоба тумани бандликка кўмаклашувчи марказ раҳбари Мирзаҳотам Мирсоатов, — йилнинг ҳар чорагида ўтказиб келмоқдамиз. Халқимиз бирлашган ўзар, бирлашмаган тўзар, деб беҳуда айтмайди. Туманимизда фаолият кўрсатаётган касаба уюшма ташкилотлари билан доим ҳамкорликда ва бамаслаҳат фаолият кўрсатаётганимиз ўз самарасини беряпти.***

***Шу куни туман бандликка кўмаклашувчи марказ ва тармоқ касаба уюшмалари ҳамкорликда ўтказган Меҳнат ярмаркасида жами 127 киши ишга жойлаштирилди. Уларнинг кўпчилиги ёшлардир.***

**Пиримкул ДЎСТМАМАТОВ,**
**«Ishonch» мухбири**

## Тарихий ҳикоя

# Ахийлар

Соҳибқирон Амир Темурнинг ўғли Мироншоҳ Мирзо хизматида бўлган Ахий Жаббор баҳодир жуда кўп йиллар муқаддам, ҳали йигитлик чоғлари гарчи бунга ҳаққи йўқ эса-да, ахийлар, жавонмардлар уюшмаси аъзосиман деб ғурурланиб юрарди. Марғинонда эканлигида, бир куни шаҳар ахийлар уюшмасининг обрўли намояндаларидан мадраса мударриси мўғулбашара Маҳмуд Носириддин Жабборқулга бундай деди: «Эртадан бошлаб ахийлик либосини эгнингга ташлайдурмиз, футувват белбоғини белингга боғлайдурмиз! Отинг Жабборқул эмас, энди Ахий Жаббор бўлади, Ахий Жаббор!..». Бироқ, афсуски, ўша куннинг эртасига тонгсаҳарда кекса мударрис кутилмаганда бандачилик қилди-ю, ниятлар амалга ошмади, либос ҳам кийилмади, белбоғ ҳам боғланмади, фақат номи ўзгаргани қолди, холос... Юраги сиқилган Ахий Жаббор қадрдон мадрасасини тарк этиб, тирикчилик кўйига берилиб кетди. Кейин тақдир сўқмоқлари уни қаерларга элтмади...

Ахийлик, футувватнинг уч мартабаси ҳақида сўйлайдилар. Ахий Жаббор баҳодир буни дилига жо этиб олган. Аввало — саховат, яъни ҳеч нарсасидан қизғонмаслик, кейин — сафо, яъни кўнгилни такаббурлик, кибру ҳаводан холи тутиш ва ниҳоят — вафо, шижоат кўргизиш, фидойи қалб соҳиби сифатида ҳамиша эл хизматига тайёр, эзгулик йўлида жондан кечишга шай туриш. Бу — футувват илмининг мағзи. Аслида, бу уммондай теран илм экан, унга шўнғиган одам қайтиб чиқишига умр етади ёки етмайди...

Ахий Жаббор Самарқанддами, Хуросондами, Султониядами, қаерда бўлмасин, бу ҳақда сўз қотишни яхши кўради. Футувват, ахийлик киши гапиргиси келадиган бир сеҳрли олам экан. Нене фозиллар, зукко-ю донолар бу ҳақда рисолалар битишган, улар қўлма-қўл юради. Ахий Жабборнинг ўзида ҳам бир нечаси бор. У англаб етдики, «футувват» ёшлик, «фатий» ёш йигит деганидур, ёшидан қатъи назар ёшликка ошно инсонлар жавонмардлар ҳисобланадур. Ахийликнинг ўн икки рукни билан танишган киши қўйилган талабларнинг анов-манов белни майиштириб юборадиган залворини кўради. Футувват аҳлининг хислатлари ўнта, фазилатлари қирқта, шартлари эса етмиш битта, шундан қирқ саккизтаси эзгулик ва комилликка элтувчи, қолган йигирма учтаси парҳез қилинадиган макруҳ одатлар... Ахий киши булардан бошқа яна йигирма битта ман қилинган нарсалар борлигини унутмасин...

Даставвал ўн икки рукн талабларини адо этиш шарт. Чунончи, олтита ошкор, олтита пинҳон рукн бор. Фисқу фасод, бўҳтон, ғийбат сўзлардан тилни тийиш, айни шу сўзлардан қулоқни асраш, ножоиз нарсалардан кўзни юмиш, ҳаромдан ҳазар этиш, мардумга озор бермаслик, ношоиста ерлардан оёқ узиш, ҳақорат сўзларни ишлатмаслик, гап ташимаслик, чақимчилик қилмаслик, зинодан нари қочиш — бари ошкор кўриниб турган жиҳатлардир. Пинҳонлари эса тавозеъ, қаноат, афв ва раҳмдиллик, кибру ҳавони тарк этиш, яна ўздан кечиш... Жавонмардлик, ахийликнинг шартлари-чи?.. Илму ҳилм, сидқу карам, эҳсону вафо, шукур, иймон... Айниқса, Ахий Жабборга ёқадиганлари нафс таҳорати — нафс покиза бўлмоғи керак, кўп билишу оз гапириш, инсоф доирасидан чиқмаслик, халқ молидан таъма қилмаслик, бечораларга ёрдам қўлини чўзиш, жоҳиллар қошида сукут сақлаш... Сўнг тариқатга ўтилса, унинг мақомот даражалари тўрт юзу қирқ тўртталигини айтиш лозим. Лекин бари тўрт мақомда мужассам: аввал тавба, кейин хавф-қўрқув, жиҳод ва сабр... Комилликнинг чек-чегараси йўқ...

«Одоб ул-футувват» («Футувват одоби») рисоласида ўқидими ёки «Тазкират ул-авлиё» («Авлиёлар тазкираси») китобида — эсида йўқ, бир муқояса Ахий Жабборни қойил қолдирди. Футувватни нима билан қиёслаш мумкин дейилади китобда, кейин ток дарахтига ўхшаб кетиши айтилади. Дарахтнинг тана, пўстлоқ, томири, шоху барг ва гулу меваси бор, жавонмардлик, футувват ҳам ана шундоқ, унда ҳам тана бор, пўстлоқ бор, илдиз бор, шох бор, мева бор... Илдизи, унга куч бериб, яшнатиб, гуллатиб, ғунчалар тугдирадиган илдизи — покиза ишқдур, танаси эса — тавозеъ, шохлари сабру тоқатни билдиради, япроқлари — парҳез дегани, пўстлоғи — одоб ва ҳаёси, гуллари — очиқчеҳралиги ва марҳамату ҳиммати, меваси — ҳам карамдур, ҳам саховат...

Футувват ва ахийлик белбоғини белга боғлаш орзусида юрган Ахий Жаббор бундан беш йил аввал, ҳали Хуросонга йўл олмай туриб, ниҳоят, ўша кунларга етди. Жума куни Самарқанднинг Қаландархона кўчасидаги футувват соҳиби, Термиз саййидларидан хонзода Абулмаолий муридларидан бирининг каттагина ҳовлисида ахийлар жамоати йиғилди. Чорсу майдонига чиқадиган, сарбадорлар замонидаги торгина кўча соҳибқирон ҳаракатлари билан кенгайтирилиб донғилгина йўлга айланганди. Ахий Жаббор ҳар сафар бу ёқларга келганда бир пайтлар такяхона вазифасини ўтаган сарбадорлар жамоаси аъзоси морбоз Лакшманнинг ертўладай чуқуртак ҳовлисини эсларди. У ҳовли энди йўқ бўлиб кетган, сарбадорлар давлати фатарот топгач, Лакшман билан унинг ўғли Кумарни ҳам кейин ҳеч қаерда учратмади. Балки Ҳиндистонга кўчиб кетишгандир?..

Кенггина ҳовлининг четида шогирдлардан бири қўлида обдаста, елкасида сочиқ билан хизмат мақомида турибди. Дарвозадан кирганларни пир, устод ва тариқат биродарлари қўл қовуштирганча кутиб олишарди:

— Аллоҳнинг йўлига! Аллоҳнинг йўлига... Хуш келибдилар!.. Хуш келибдилар!..

Кўп фурсат ўтмай ҳовли футувват аҳлига тўлди. Одамларнинг ичида турли ёшдагилари бор эди. Барча ичкарига белбоғ боғлаш мажлиси — ахийлар сафига қабул қилиш маросими ўтадиган каттагина хонага йўналди. Шом ўқилди.

Хонанинг тўрида эгнига оқ ҳирқа ташлаган, бошига оқ кулоҳ кийган хонзода Абулмаолий пирлик мартабасида ўлтирарди. Ахий Жаббор кириши билан салом берди. Пир жавонмардликнинг оқ, яшил, зангори, тупроқранг либослари ичида доим оқ ранглисини танларди. Бу унинг ўртадан пастроқ бўйини узунроқ, юмалоқ гавдасини ихчамроқ қилиб кўрсатарди. Жавонмардликда барча рангларнинг маъноси бор. Оқ — кундуз куни рангидир, дили ёруғ, мунаввар жамоаникидир, бу жамоа аъзоларининг кўкси қора ниятлардан холи, гарду ғуборлардан покдур. Кулоҳнинг оқ ранги эса она сутига ишорадир, бундай кулоҳни кийган киши сут каби покиза бўлғай, ўзини гўдак янглиғ шаҳвоний ҳирсу ҳаваслардан йироқ ҳис қилғай...

— Азизлар! — мурожаат қилди издаҳомга қараб пир Абулмаолий, унинг ингичка овози жаранглаб эшитилди. — Бир ҳафта олдин ушбу мажлисга пир, устод ҳамда тариқат биродарлари ҳозир бўлишлари буюрилғон эрди... Ё, аҳад!

— Қазога тайёр турғондек ҳузурингиздамиз, пирим! — таъзим бажо келтирди устод. Бу елкасига оқ ҳирқа ташлаган бўйи пастакдан келган чўққисоқол бир одам эди.

— Бале!

Йиғилганлар: «Бале!», «Бале!», — деб юбордилар.

Амир Темурнинг Жетага биринчи юриши даврида Қаросмон деган жойда хонзода Абулмаолий шайтон васвасасига учиб, Шибирғон ҳокими Зиндачашм Опардийнинг Хуросон салтанати курамен деган ҳавойи гапларига ишониб, соҳибқироннинг мухолифлари сафига қўшилиб қолди. Мухолифатчилар Амир Темурнинг жонига қасд қилишни дилга тугдилар, шикор пайтида гўё ғафлатда билмасдан отиб қўймоқчи эдилар, бироқ фитна очилиб, ҳамма қатнашчилар жазосини олишди. Соҳибқирон хонзода Абулмаолийга бундай деди: «Мен аҳли байтга ҳамиша давлатхоҳ эрурмен. Сен саййидсен, бас бу жиҳатдин гуноҳингдин кечдум. Аммо Турон элида турмағайсен. Юртдан чиқиб кет ёки ҳаж сафари тадоригини қил!..».

Хонзода Абулмаолий бир йил риёзат чекиб ҳаж сафарини адо этди. Бағдодда яшар экан, ўйлаб-ўйлаб Мир Саййид Барака жанобларига мактуб битди, унда гуноҳини соҳибқирондан сўраб беришини, кафилликка олишини илтимос қилди. Кечиримли Амир Темурдан беадад миннатдорлигини алоҳида таъкидлаб, саййидлиги туфайли ҳеч қаерда хорликка юз бурмаслигини, ҳар қайда ҳам бандасига ризқни худо беришини, аммо ҳасби ҳол дафтарида «қувилди» деган тавқи лаънат битилиши Рисолатпаноҳ авлодлари шаънига номуносиб эканлигини айтиб, мамлакатга қайтиш хоҳиши борлигини, агар қайтса, мутлоқ сиёсат ишларига аралашмаслигини, ҳеч қандай мухолифатга қўшилмаслигини, қолган умрини фақат Аллоҳга ибодатда-ю соҳибқиронга дуода ўтказишини билдирди...

Ҳумоюн ўрдудан ижозат олинди, ҳатто мамлакатга қайтган хонзода Абулмаолий келибоқ Хоразм юришида иштирок ҳам этди. Зукко кишилар бу қадамни хонзоданинг олий даргоҳ томонидан кечирилгани қатъий эканлигини билдиргувчи далил ўрнида, гуноҳлардан батамом фориғ бўлгани аломати сифатида қабул этдилар.

Шундай эса-да, хонзода Абулмаолий ўзини четга олишга қарор қилди. Юз берган хиёнату саргардонликлардан кейин яна соҳибқирон кўз ўнгида ҳеч нарса юз бермагандай юраверишга бети чидамади. У табиатан андишали одам эди, кейинроқ бутунлай орқа-олдини ўйлаб иш қиладиган одат чиқарди. Яхшиси, тавба-тазарру тожини кийиб, футувват белбоғини белига боғлайди-да, пирлик мақомотига қадам қўяди... Бунинг учун соҳибқироннинг отамерос мулки Шаҳрисабзни танлади, шайх Шамсиддин Кулол қабри ёнидаги хонақоҳда истиқомат қила бошлади. У Самарқанд ахийлари йиғиладиган кунларда доим Самарқандга ташриф буюрарди.

Пир ёнида турган футувват соҳибларидан бири шогирдларга қарата деди:

— Дарҳол пир учун жойнамоз ҳозирлансун!

Жойнамоз ёзилди. Унинг чап томонига ёнма-ён белбоғ гиламчаси ҳам тўшалди. Ҳар икки жойнамознинг учлари бирбирига тегиб турар эди. Пир жойнамозга чиқиб ўтирди, устод унинг рўбарўсида чўк тушди. Икки тариқат биродари, аллақачон беллари футувват белбоғи билан боғланган ахийлар — уларнинг бири Амир Шоҳмалик эди — устоднинг чап томонига жойлашдилар. Кўпдан бери қалбан футувват соҳиби Амир Шоҳмалик ахийлар уюшмасининг аъзоси саналарди, борди-ю уюшмага кирмаганда ҳам,

**Муҳаммад АЛИ,**
**Ўзбекистон халқ ёзувчиси,**
**Давлат мукофоти лауреати**



## Экология ва биз



**_Маҳалламиздаги кўкка бўй чўзган манзарали азамат дарахтларнинг қачон ва ким томонидан экилгани маълум эмас. Аммо неча ўн йиллардирки, улар ён - атрофга соя-салқин бағишлайди. Куз келганида эса сўлиб, сарғайган барглар ерга дув тўкилади. Орасталикни хуш кўрган маҳалла аҳли эса уларни ёқишга тутинади. Бундай пайтларда аччиқ, бўрқсиган тутун димоқни ёрай дейди, кўзлар ачишиб, нафас олиш қийинлашади..._**

# Масъулият

Ўтган куни ишдан қайтаётсам, хазон ёқаётган қўни - қўшниларни кўриб таъбим тирриқ бўлди. Шу пайт йўлдан ўтаётган кекса отахонни йўтал тутди.

— Кўпқаватли тураржойда яшамайсизлар ахир, ҳар бирингиз ҳовлингизнинг четидан бир ўра қазиб, ўз ҳудудингиздаги хазонларни йиғиб, кўмиб ташласангиз бўлмайдими, деди у жиғибийрон бўлиб. — Бунинг сира ёмон томони йўқ, аксинча ер озиқланади.

— Тўғри айтасиз, — гапга қўшилди рўпарадаги қўшнимиз Виктор Александрович. — Ёқиш зарарли, ҳавони бўлғайди. Астматик касаллиги бор кишилар айниқса, бундай пайтларда жуда қийналади.

Гаплар таъсир этди шекилли, бошқа хазон ёқилмади. Ҳар ким ўз ҳовлиси четидан ўра кавлаб, тушган баргларни кўмиб ташлади. Энди ҳазин, мусаффо куз ҳавоси танни обдон яйратарди.

«Экосан» халқаро ташкилотининг саъй - ҳаракати ўлароқ ташкил этилган «Кузги хазонрезги даврида экология ва саломатлик» - деб номланган давра суҳбати ана шу мавзуга бағишланди.

Тадбирда қилинган маърузага қараганда, дарахт, ўсимлик барглари атмосфера ҳавоси ва тупроқдаги турли токсик моддаларни (автотранспорт, саноат корхоналаридан чиқаётган газли чиқиндилар таркибидаги турли токсик моддаларни) ҳамда чангни ютиб олади. Хазонлар ёқиб юборилганда, улар таркибидаги оғир металлар тупроқнинг юқори қисмида тўпланиб қолади, оқибатда эса атмосфера ҳавоси ифлосланиб инсон саломатлигига путур етади. Табиий чиқиндилар ёнганда, турли полиароматик углеводородлар, жумладан, ўта заҳарли бўлган канцероген модда - бензапирен ҳосил бўлади. Тутуннинг таркибида асосан монооксид углероди, яъни ис гази - СО мавжуд. Хусусан, бу газ ўта зарарли бўлиб, қоннинг таркибидаги гемоглобин билан осон боғланади (метгемоглобинга айланади) ва органларга кислород етиб боришини мушкуллаштиради. Бунинг натижасида организм заҳарланади.

Демак, бундай муаммоларнинг олдини олиш ҳар биримизга жиддий масъулият юклайди. Экологиянинг софлигини сақлаш, кузги хазонрезги мавсумида тўкилган баргларни ёқмаслик каби масалалар долзарб вазифадир.

Хуллас, давра суҳбатида шу ҳақда атрофлича фикр юритилди. Унда республика мусулмонлари идораси, Тошкент шаҳри ҳамда, туманлари санитария ва эпедимиология давлат назорати марказлари, ободонлаштириш бошқармалари, «Махсустранс» корхонаси, жамоат ташкилотлари вакиллари ва бошқалар иштирок этди.

**Ўз мухбиримиз**

## «Эҳтиром» нишони соҳиблари

# Людмила



Компьютер хонасида ўтирганимизда, бўғдойранг аёл эшикдан бош суқиб, сўраганди:

— Арабский танец хотите изучать?

— Хотим, — дегандик биз ҳам.

Сўнг тушлик пайтида рўпарамиздаги хонада рақс билан боғлиқ турли ҳаракатларни машқ қилгандик. Бу ҳол бир неча кун давом этган, Людмила билан шу тарзда танишгандик.

Сипогина, камсуқум бу аёл доимо ўйчан юрар, назаримда у нималардандир эзилаётгандек, кўринарди. Икки йил аввал уни янада ғамгинроқ кўрдим. Саволимга жавобан қизи автомобил ҳалокатида нобуд бўлганлигини айтди. Юрагим увушиб кетди, рости анча вақт унинг ғуссали, оғир мусибат чўккан кўзларига қарашга ботинолмай юрдим.

— Ажойиб аёл, умрининг катта қисмини касаба уюшма тизимига бағишлади. Яқинда «Эҳтиром» нишони соҳибаси бўлди, — деб қолди дўстларимдан бири.

Кунига минг бор кўраман, аммо унинг қандай инсон эканлигини, маъюс юрагида улкан ҳаёт бўҳронлари кўпириб ётганлиги, шижоати, ғайратини, ўкинч-армонларини ҳис этмаганимдан уялиб кетдим.

Онаси Елена Степановна Россиянинг Ульяновск шаҳрида ўқишни битиргач, Бекободга ишлаш учун йўлланма билан юборилганди. Исроил ака билан танишганида, бу бетакрор ўлкада муқим қолиб кетишини ҳали билмасди. Тотли муҳаббат турмуш қуришларига асос бўлди. Сўнг эса бир - биридан ширин қизлари дунёга келди. Улар орасида Людмила камгаплиги, қатъиятлилиги, бироз одамовилиги билан алоҳида ажралиб турарди. Сувратан қўйиб қўйгандек ўзбек қизининг ўзи бўлса-да, сийратан у онасига, рус миллатига тортди. Мусиқа педагоги Сергей Литвинов билан ҳаётини боғлаб, ширин умргузаронлик қилди. Ўғли Денис, қизи Анастасья туғилганида, дунёда гўё улардан бахтлироқ кимса йўқ эди.

Афсуски, ҳаёт нурафшон кунлардангина иборат эмас, унинг зулматлари-да бисёр. 1995 йили умр йўлдошидан айрилди. Ўша кунлари ғам қаддини эгиб қўйганди. Фарзандлари, дўстлари тиргак бўлди. Аламини ишдан олди. Қизи Настя ҳалок бўлганида эса ички дунёси чок - чокидан сўкилиб кетди. Яратганнинг амрига қарши бориш маҳол, инсоннинг қисмати кўникмоқ, чидамоқ... Людмила ҳам кўпларнинг бири, андуҳини қалбининг қаърига олди.

Баъзан тунлари киприкларига уйқу инмайди. Ўтган кунлари ёдига тушади. Талабалик йилларини сурур билан эслайди. «Главташкентстрой»да ишлаб юрган кунларининг ўзи бир китоб. Астойдил қилинган меҳнат асло зое кетмайди. Меҳнатсеварлиги боис жамоада обрў топди. Пировардида фаоллигини, жамоат ишларига камарбасталигини инобатга олиб, ҳамкасблари уни дастлаб бошланғич касаба уюшма қўмитаси раиси ўринбосари, кейинроқ эса қўмита раиси лавозимларига сайлашди. У талай кишиларнинг корига яраб, мушкулини осон қилишга уринди. Меҳнаткашларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳақ-ҳуқуқларини кафолатлашда қатъий шожоат кўрсатди. Қурилиш майдонларига бориб, касаба уюшма аъзолари билан қизиқарли мулоқотлар ўтказди, уларнинг саволларига имкон қадар жавоб бериб, муаммоларини ечишда кўмаклашди. Шунингдек, меҳнат аҳлининг дам олиш соатларини кўнгилли ўтказиши, саломатлигини тиклаши борасида ҳам изчил фаолият юритди. Хуллас, фидойилиги, ҳаракатчанлиги кўпчиликнинг назарига тушди. 1999 йилда Ўзбекистон қурилиш ва қурилиш ашёлари саноати ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши раҳбарияти уни бош мутахассис вазифасига таклиф этди.

Людмила бу даргоҳда ҳам асти кам бўлаётгани йўқ. Ўз вазифасини сидқидилдан адо этаётир. Тез - тез хизмат сафарларига бориб, вилоятларда касаба уюшма ходимларининг ташкилий ишларига амалий ёрдам беряпти. Хусусан, тармоқнинг юксалишида бевосита унинг ҳам хизматлари бор.

— Людмила Исроиловна ғоятда масъулиятли — дейди, Марказий кенгаш раиси Рустамбек Миртемиров. — Ўзига талабчан, ишини билиб қилади. Касаба уюшмасининг ташкилий томонларини мустаҳкамлашда фаоллик кўрсатаётир. Аъзолик афзалликлари бўйича ташвиқот ишларини намунали олиб боряпти. Шунингдек, нодавлат секторда касаба уюшмасини тузишда фаол иштирок этмоқда.

Ҳали айтганимиздек, меҳнат қилган кам бўлмайди. Бир қатор ҳамкасблари қаторида Литвинова ҳам тизимда узоқ йиллар самарали меҳнат қилгани учун Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгашининг «Эҳтиром» нишонига сазовор бўлди. «Кутмагандим, беҳад бахтиёрман. Меҳнатингнинг қадрланиши ва раҳбариятнинг эътибори кўнгилни тоғдек юксалтираркан», — дейди у.

**Шарофат НОРҚУЛОВА,**
**«Ishonch» мухбири**

## Корхонамиз — фахримиз!

# Меҳнатдан қадр топиб

Эрталабдан Бобоқул ота Саидов қўлида гулқайчи тутганича корхона ҳовлисида кунлик юмушлар билан банд юрганди. Бошланғич касаба уюшма қўмитасининг раиси Шавкат Тўхтамуродов йўқлаб келиб қолди:

— Ҳорманг, боғбон бобо. Бу дейман, тўй қилмоқчи экансиз...

— Нимасини айтасиз? Дилноза қизимизнинг тенги топилиб, қуда томондагилар тезроқ тушириб олишни ўйлашяпти.

— Тўғри қилишади. Ахир, хайрли ишнинг эртароқ бўлгани яхши-да. Айтмоқчи, тушликка яқинроқ қизингиз Дилнозахон икковингиз менинг хонамга кириб ўтинглар. Моддий ёрдам учун касаба уюшмасининг қарорини чиқартириб қўйгандик.

Смена той тикувчиси Дилноза Саидова отаси билан қарорни қўлга олиб ҳисобхонага юзланишди. У ерда уларнинг ҳар бирига 250 минг сўмдан ёрдам пули санаб берилди.

Ажратилган маблағ янги оилани моддий қувватлаб туриш учун ҳам етарли бўлди. Тўй куни эса аҳил жамоа аъзолари янги оила соҳибларининг ҳаёт йўли равон бўлсин, деган бокира тилаклар билан гилам-поёндоз ва бошқа жиҳозлар кўтариб кириб келишди.

— Ишчи ва ходимларнинг меҳнат шартномаларида яқин кишилари тўй қилаётганда аъзолар учун энг кам иш ҳақининг 10 баробари миқдорида моддий ёрдам кўрсатиш алоҳида банд билан кўрсатиб қўйилган, — дейди Навбаҳор пахта тозалаш заводи МЧЖ бошланғич касаба уюшма қўмитаси раиси Ш.Тўхтамуродов. — Дафн маросимларида эса энг кам иш ҳақининг 20 баробари миқдорида кўмак пули беріляпти. Бундан ташқари, ойлик маоши ҳам чакки эмас. Смена ишчилари ва ходимларни махсус автобуслар ишга олиб келиб, яна хонадонларигача элтиб қўйиш таъминланаётир.

Маъмурият раҳнамолигида 28 нафар ишчи ва ходимлар «Оҳалик» ва «Хумсон» сиҳатгоҳларида корхона ҳисобидан ўз саломатликларини тиклаб қайтишди. Жамоа шартномасида ишчиларнинг икки маротаба иссиқ овқат билан бепул таъминланиши ҳам ёзиб қўйилган. Шунингдек, жамият ишчилари учун алоҳида ҳамда жойлардаги пахта қабул қилиш пунктлари ишчи ва хизматчилари учун алоҳи-алоҳида ҳолда, хушбичим ва махсус кийимлар тиктириб келганмиз. Ҳар йили улар янгилари билан алмаштирилади.

Корхона ҳар йили 45 минг тонна пахта хом ашёсини қайта ишлашга мослаштирилган бўлиб, ўрнатилган замонавий ускуналар қаршисида кўзларида ифтихор учқунлари чақнаган ёшларни учратдик. 80 ўринли ошхона, ювиниш, дам олиш, тиббий ёрдам кўрсатиш постининг беминнат фаолиятидан аъзолар мамнун эканликларини айтишди.

**Мансур АЛОВУДДИНОВ,**
**«Ishonch» мухбири**

# Мажлиси

уни чинакам ахий дейиш мумкин эди, аммо бу ҳақда ҳеч кимга сўзламас, мақтанмасди. Амир Шоҳмалик саройда ҳам, катта-кичик олдида ҳам ўзининг ҳар бир қадами билан худди шундай инсон эканлигини кўрсатиб турар, хулқу одобда паҳлавонлик аҳду вафоси қоидаларини пухта эгаллаганини намоён этарди. Аҳий Жаббор уни яхши биларди, кўриб кўнглида аллақандай ғурур туйди. Ҳа, инсон руҳини ўзининг сарчашмаси деб билган ахийлик, жавонмардлик илми ҳар қандай соҳибкарамни ўзига жалб эта олади. Ахир кўнгиллар кўзи бу илмдан ёруғдир, вужуду жон боғи унинг билан чаманга айлангусидир.

Баланд бўйли шогирд бир коса сув билан бир чимдим туз келтирди. Иккинчисининг қўлида беш пиликли чироқ бор эди, барини жойнамозга қўйдилар. Пир ичида қандайдир дуо ўқигач, чироқни ёқишларини буюрди ва устодга ишора берди.

Устод нарида турган жавонмардликка кирмоқчи шогирд — уни халифа ҳам дейдилар — Ахий Жабборга қараб деди:

— Эй халифа! Аҳдимизни қабул қилиб, ҳалқамизга кирмакчисен... Вафо белбоғини бақувват белингга боғламакчисен! Аллоҳ ниятларингга еткурсун! Ортиқ шайтон васвасасига қулоқ осмайсен, макруҳ нарсалардан парҳез қилгайсен!

Ахий Жаббор таъзим бажо келтирди:

— Қасам ичиб айтаменки, иншооллоҳ, ҳалқангизга кирдим, ортиқ хилоф иш қилмасмен! Аҳд қилдим, аҳд қилдим!

— Ё, аҳад! Аллоҳу акбар! — деди хонзода Абулмаолий.

— Аллоҳу акбар!

— Аллоҳу акбар!

— Аллоҳу акбар! — қабилида такбир сўзлари хонани тўлдирди.

— Эй футувват соҳиблари! Тариқат аҳдномаси қайсидур деб сўрасалар, — жамоатга юзланди хонзода Абулмаолий — аҳднома шогирднинг мана шундай шоҳидлик учун йиғилғонлар кўз ўнгида ният қилиб, фатийлик мақомини олмоғи, яъни жавонмардлар ҳалқасига кирмоғидир!

— Жавонмардлар ҳалқасига кирмоғидир!

— Жавонмардлар ҳалқасига кирмоғидир!

Шундан сўнг халифага жавонмардлик шартлари айтила бошланди. Пир хонзода Абулмаолий деди:

— Фақат ахий ва жавонмардларга эмас, умуман кимсага бахиллик ва кибру ҳаво, ҳасад ва ёмонлик раво кўрмагайсен!

— Алҳамдулиллоҳ, раво кўрмағаймен! — таъзим этди Ахий Жаббор.

— Омонатга хиёнат қилмағайсен!

— Қилмағаймен!

— Ҳар нарсада инсоф чизиғидан чиқмағайсен!

— Чиқмағаймен!

— Кишиларнинг ҳожатини чиқарғайсен!

— Чиқарғаймен!

— Ноқобил кишилар устидан кулмасликка аҳду паймон этғайсен!

— Аҳду паймон этғаймен!

— Ўзгалардан нечоғлик озору қаттиқлик кўрсанг-да, чидағайсен!

— Чидағаймен!

«Бале!», «Бале!» сўзлари янгради.

— Уч сўз айтурмен: ҳамиша хизматга тайёр турғайсен, ҳурмат ила ўлтирғайсен, ҳиммат ила гапирғайсен! — деди устод...

— Алҳамдулиллоҳ, ҳамиша хизматга тайёр турғаймен, ҳурмат ила ўлтирғаймен, ҳиммат ила гапирғаймен! — такрорлади Ахий Жаббор.

— Мўътабар китобларда битилмишки, — сўз олди яна хонзода Абулмаолий, — белбоғни боғлаш ва ечишда чуқур маънолар яшириндур... Бунда боғланадиган ва очиладиган нарсалар бор... Аммо баъд, боғланадиган нарсалардан сўз очамен. Энг аввал кўзни ҳаром нарсалардан, кўриш гуноҳ бўладиганлардан юмғил, иккинчи — қулоқни эшитиш ножоиз нарсалардан беркитғил, учинчи — кўксингни ҳасад ва кина-кудуратдан сақлағил, тўртинчи — кўнгилни шубҳа-гумонлардан холи тутғил, бешинчи — қўлни халқ озори ва ҳаром нарсалардан тортғил, олтинчи — томоқни ман этилган луқмалардан асрағил, еттинчи — футувват ва ахийлик бандини зиною шарр ишлардан мудофаа қилғил, саккизинчи — оёқни туҳмату бадномлик келтирувчи исқирт ва нопок жойларга боришдан тийғил, тўққизинчи — бахиллик ва таъма йўлини даф қилғил, ўнинчи — хотирангни беҳуда фикрлардан озод айлағил... Белбоғ ечилғонда очиладиган нарсалар... Энг аввал — эшикни, дастурхонни меҳмон учун очғил, Аллоҳу таоло ҳамдида сўзни равон қил, одамлар билан мулоқотда очиқчеҳра бўл. Пир ва муридларни кўрганда кўзни, орифлар ва устозлар сўзлаганда қулоқни, шафқату эҳсон учун қўлни, ишқу муҳаббат бобида кўнгилни, эзгу ҳикматларга хотира дарчасини, ҳақиқатни билиш учун тафаккур эшигини очиқ қил, хайру савоб ишлар учун қадамингни шахдам этғил, кўнгил овлаш лозим бўлғонда саховат дафтарингни катта очиб қўйғил, эзгу ахлоққа равон йўл солғил...

Ахий Жаббор ҳар бир маъно поёнига етганда «розимен» дегандай бош тебратиб қўярди.

Устод ўрнидан турди-да, Ахий Жабборни ўзининг чап томонига ўтказди, шу ҳолатда пирга рўбарў бўлдилар. Хонзода Абулмаолий Ахий Жабборнинг қўлини олиб:

— Тавба қил! — деб буюрди.

— Эй Аллоҳ таоло, қилган ва қилмаган гуноҳларимни ўзинг мағфират айлағайсен! Тавбамни қабул этғайсен! — деди Ахий Жаббор дуога қўл очиб.

— Аллоҳ мағфират айласун! — деди пир.

— Аллоҳ мағфират айласун! Тавбасини қабул этсун!.. — гувиллади хона...

Пир оқ рангли белбоғни Ахий Жабборнинг елкасидан тушириб чап қўлига олди, кейин гиламнинг ўртасига қўйдида, хутба ўқишга турди:

— Аъзу биллоҳиминаш-шайтонир-рожийм, Бисмиллоҳир раҳмонир раҳим... Беадад шукроналар айтмак, адоғи йўқ ҳамду санолар ўқумак ул Раҳмону Раҳим, Жаббору Ғаффор, Кабиру Карим, Зул-Жалол абадийсифат ҳазрат шаънигагина шойистадур. У — азалийдур, аммо азалийлигининг поёни йўқ, у — абадийдур, абадийлигига ҳадду саноқ қани, у ҳеч кимнинг, ҳеч нарсанинг ёрдамисиз йўқдан бор қилгувчидир. Дийдалар боқадурлар, бироқ унинг зоти жамолини кўра олмайдурлар, воизлар тили васф айламакка киришурлар, лекин баён эта олмай лол қолурлар. Аллоҳ таолодан бошқа илоҳ йўқ! Ло илоҳа иллаллоҳу валлоҳу акбар! — деди хонзода Абулмаолий.

Бироз тин олиб давом этди:

— Бандаси ҳамиша эзгу хулқ-атворга эга бўлмоғи фарздур. Коинотнинг тожи сифатида яратилғон бандаси ҳар он бировларга яхшилик кўргизиб чарчамаслиги, эҳтиёжмандларга ёрдам қўлини чўзмоғи, ўзида борини бошқалар билан баҳам кўрмоғи, дўсту биродарлар номусини, шаънини ҳимоя этмоғи, ҳам зоҳиран, ҳам ботинан пок юрмоғи, тозадил пиру устодлар, покиза хулқли зотлар суҳбатидан улги олмоғи лозим... Мовароуннаҳр жавонмардлари, иншооллоҳ, ана шу қоидаларга амал қилурлар... Ё, Аҳад!.. Бундан тўрт юз йиллар аввал юртимизга келган араб алломаси ибн Ҳавқал ўз китобида бундоқ ёзибдур: «Мовароуннаҳр халқининг жавонмардлиги даражаси жуда юксакдир, улар ўзларини худди бир ҳовли-боғда яшаётгондай тутурлар. Қай бири бошқаси хонадониға ташриф буюрса ўзини худди ўз уйига киргандай ҳис этур. Бағоят меҳмондўстдурлар, тунда келадурғон меҳмондан асло хижолат чекмайдурлар. Меҳмонни танимасалар-да, ҳеч бир тўлов-мукофот талаб қилмай, меҳмоннавозлик айлаюрлар...». Бас, дуога қўл очурмиз, илоҳо, омин! Жаннатмакон Турон юрти Аллоҳнинг паноҳида эмну омон бўлсун! Етти иқлим шаҳаншоҳи, ҳоқонлар ҳоқони, сарварлар сарвари, Турон султони соҳибқирон Амир Темур Кўрагон ҳазрати олийлари улуғ мамлакат маснадида барқарору бардавом даврон сурсунлар! Ҳазратларини Аллоҳ ҳамиша ўз ҳифзу ҳимоясида сақласун!

Хутба тугагач, устод ўрнидан туриб иккала қўлини белбоғ остидан ўтказишдан олдин, қорамалдоғини шогирд қорамалдоғига теккизди, кейин ўнг қўлини ва тўрт бармоғини белбоғ остида тутиб турди. Аллақандай таважжуҳда Ахий Жаббор баҳодирнинг қулоғига лозиму лобид сўзларни айтди ва белбоғни шогирд белига боғлай бошлади. Биринчи тугунни шоҳимардонлар номига бағишлади, иккинчи тугун устод шаънига қаратилди, учинчиси — шогирд номига...

— Аларнинг яна бошқа маъноси: биринчиси — аҳд, иккинчиси — байъат, учинчиси — васият, вафо... — тугунларга ишора қиларкан деди устод ва жойнамоздан уч қадам ортга чекинди. Мажлис аҳлига аввал тузли сув тарқатилди, сўнг ёғ, хурмо ва нондан махсус тайёрланган хуфия ҳалводан улашилди. Олганлар «Насиба!», «Насиба-да!», «Етказганига шукур!..» дер эдилар. Ахий Жаббор баҳодир ҳаракатларнинг ҳар бири чуқур маъноларга эга эканини юрак-юрагидан ҳис этарди.

Барча уни қутлашга турди...

Мажлисдан сўнг бир неча кун ўтгач, Кўксарой олдида Ахий Жаббор баҳодир жавонмардлар сафига киришда гувоҳлардан бири бўлган Амир Шоҳмалик билан кўришиб қолди, чаққон бориб зиёрат этишга шошилди. Нуфузли Амир Ҳумоюн ўрдудан юкланган вазифани адо этмоққа ҳали ҳам доруломонликка эришилмаган Хоразмга жўнаш ҳаракатида юрарди. Авваллярданоқ бу амир Ахий Жаббор кўзига негадир бошқача кўринар, ғойибона ҳурмати баланд эди. Энди-ку тушунди, Амир Шоҳмалик чиндан ҳам камтар, синиқдил, ўзини эмас, ўзгани ўйлагувчи ахий инсон, жавонмард қалб эгаси, суянса суянадиган киши экан. Ахий Жаббор тағин миннатдорчилик билдирди ва сўради:

— Муҳтарам амир жаноблари. Белбоғ боғлашга доир маъноларни яхшироқ англаб олмоқчи, дилимга солмоқчи эрдим...

— Сўрасунлар, баҳодир жаноблари! — деди самимий амир, қуюқ қошлари қовоқларига ёпирилганидан унинг суҳбатга диққат билан қараётганини тушуниш мумкин эди.

— Косада сув билан туз келтирдилар... Маъноси нима экан?

— Ахийлар, жавонмардлар аҳлининг ҳамиша сув сингари софдил ва тиниқ идрокли бўлишлари ҳамда туз ҳақига амал қилишларига ишорадур... Ақли қосирим яна бир маъно кўрарки, туз билан сув дунё деганларининг тимсолидур, шўрни ичғон бирлан қонмайдур киши, боз ташналиги ортадур... Шу сабабдан оз-оз ичурлар... Дунёга ҳам тўйиш қийин, шу сабабдан озига қаноат қилмак керак, баҳодир жаноблари.

— Шундоқ... маъноси чуқур экан... Нега шогирдни ўнг томонга ўтқазадурлар?

— Ростликка одат қилдирмак учун, токи шогирд белини ҳою ҳавасга эмас, балки ростдан ҳам фидойилик йўлида боғлаганини тушуниб етсин, иши ўнгидан келсун.

— Устод жойнамоздан уч қадам ортга чекинди...

— Ҳа, уч қадам... Тимсолий қадамлар... Биринчи қадам нафс устига қўйилди, билурсизки, нафсга жиҳод қилмак ахийлик, жавонмардликнинг улуғ шартларидандур, иккинчиси — шайтони лаъин юзига ташланди, чунки ақлдан оздирадиган батголни эзиб ташламак лозим, учинчиси — бойлигу молу дунёга... Токи дунёнинг ўткинчи моли оёқ учида кўринсун деб... Уларни мағлуб этмак керак, ҳам зоҳирда, ҳам ботинда... Уларни оёқ остига олиб енгиб ўтмаган киши қўлини белбоққа теккизиши мақбул эрмас.

— Беш пиликли чироқнинг не маъноси бор?

— Маъноси кундан ҳам равшандур. Бу кўнгил шамчироғини ишқу муҳаббат ила ёқишга ишорадур, шуълаларидан токи вужуд олами нурафшон бўлсун...

«Вужуд олами нурафшон бўлсун... Нурафшон бўлсун...», — пичирлайди Ахий Жаббор баҳодир ҳар сафар ўша кунларни эслаганида... У вақти келиб бутун олам жавонмардлару ахийлар жамоасига айланади деб ишонади.

## Солиқ назорати

# Ноқонуний ҳаракат бошга келтирди фалокат



*Амалдаги қонунларга риоя қилмаслик «Агатсарой интеллект» масъулияти чекланган жамият раҳбари Одил Фузайловга қимматга тушди. Унга нисбатан туман прокуратураси Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 186-моддаси 1-қисми ва 184-моддаси билан жиноий иш қўзғатди. Нега?*

*Гап шундаки, у раҳбарлик қилаётган МЧЖда Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 26 декабрдаги «Аҳоли билан пуллик ҳисоб-китобларни амалга оширишда назорат касса машиналарининг мажбурий қўлланиши тартиби тўғрисида»ги 621-сонли қарорига зид равишда ҳаракат қилинган. Яъни назорат касса машиналари ўрнатилмасдан ёки қатъий ҳисобда турувчи квитанциялардан фойдаланмасдан фаолият кўрсатилган. Натижада у хўжалик суди томонидан Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 119-моддасига асосан 558900 сўм ва кирим қилинмаган товарлар учун Солиқ кодексининг 114-моддасига биноан 439.364.000 сўм миқдорида молиявий жаримага тортилди.*

*Афсуски, бу — солиқ қонунчилигига риоя қилинмаганлигининг ягона мисоли эмас. Инспекциямизнинг «Қисқа муддатли текширишларни ўтказиш ва бозорлар фаолиятини назорат қилиш» шўъбаси томонидан олиб борилган тадбирларда яна бир қанча камчиликлар аниқланди. Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамасининг савдо қоидаларини тартибга солиш ҳамда бозорлар фаолиятини такомиллаштириш юзасидан тегишли фармон ва қарорлари талаблари тўлиқ бажарилмаётганлигининг гувоҳи бўлдик.*

*Ўтказилган текширишлар жараёнида назорат касса машиналаридан ёки қатъий ҳисобда турувчи квитанциялардан фойдаланмаслик, харидорларга чек бермаслик, кирим қилинмаган товарлар билан савдо қилиш ҳолатлари аниқланди. Пировардида қонунбузарларга нисбатан 3900 минг сўм миқдорида молиявий жарима қўлланиб, бюджетга ундирилди. Ҳуқуқбузарлар икки ҳолат бўйича маъмурий жаримага ва яна икки ҳолатда жиноий жавобга тортилдилар.*

*Яна бир далил. Туман давлат солиқ инспекцияси рўйхатидан ўтган якка тартибдаги тадбиркор Карима Аллаевага қарашли савдо дўконида қисқа муддатли текшириш ўтказилганда, Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 6 майдаги «Жисмоний шахслар томонидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудида товарлар олиб келинишини тартибга солиш тўғрисида»ги 154-сонли қарорига зид равишда сифат сертификатисиз 42 минг сўмлик чет элда ишлаб чиқарилган озиқ-овқат маҳсулотлари сотилаётгани аниқланди. Тўпланган текшириш материаллари жиноят ишлари бўйича туман судига юборилиб, ноқонуний йўллар билан олиб келинган маҳсулотлар давлат ҳисобига мусодара қилинди. К.Аллаевага нисбатан туман суди томонидан МЖтКнинг 33-моддаси ва 166-моддаси 1-қисми билан тегишли тартибда маъмурий жарима қўлланилди...*

*Шу ўринда бир фикрни айтиш жоиз, мамлакатимизда тадбиркорлик билан шуғулланиш учун катта имкониятлар мавжуд. Ҳамма гап улардан фойдалана билишда. Унутмаслик лозимки, Солиқ қонунчилиги талабларини четлаб ўтувчилар узоққа боролмайдилар ва албатта, эл олдида хижолатда қоладилар.*

**Искандар ҒУЛОМОВ,**
**Қоровулбозор туман давлат солиқ инспекцияси бошлиғи**



# Негр бола

ҲажВия

Вали уйга кирдию юраги сиқилди. Ҳеч ким йўқ. Иккиланиб туғруқхонага қўнғироқ қилди. «Э, ҳадеб қўнғироқ қилаверасизми?!» деган овозни эшитишдан қўрқар эди.

— Жабборова туғдими?

— Табриклайман! Ўғил! Тўрт килою юз грамм! — жавоб берди ҳамшира.

— Вой, раҳмат! Кўргани борсам бўладими?

— Бугун кеч, эртага келинг.

Валининг қўлидан гўшак тушиб кетди. Кейин дукурадукур ўйнаб юборди. «Ўғил! Яна юз грамм ҳам бор! Вой, дадасининг боласи-ей!» — ҳитоб қилди ўзича.

Қувончдан терисига сиғмай ёрилиб кетаёзган янги ота оғайнисига қўнғироқ қилди. Иккови «эркак сув»лардан бир халтасини кўтариб келишди. Тўйиб «бўкириш» бошланди.

— Бўлди, ичмайман, — деди охири оғайниси.

— Э, ич, ичганинг қолади, — қистади Вали.

— Ичганинг ҳам, еганинг ҳам қолмайди. Туғдирганинг қолади, — эътироз билдирди оғайниси Ғулом.

— Еган-ичганинг болага айланадими ахир?.. Қўлинг билан ушламай пиёлани тишингда кўтариб ичоласанми?

— Ве, шу ҳам ишми! Мана, — Ғулом хонтахтадаги пиёлани тишида кўтариб бўшатди. — Сен оёғингда қисиб ичоласанми?

Вали оёғи билан ичаман деб икки пиёла ароқни тўкди.

— Сен бурнингда тортиб ичоласанми?

Ғулом бурни орқали ичаман деб тиқилиб ўлаёзди. Вали унинг қачон чиқиб кетганини ҳам билгани йўқ.

Эрталаб ихраганча зўрға соқол олиб бозорга югурди. У ердан туғуруқхонага. Деразалар тағига туриб олган аёллару эркаклар яқинларининг отини айтиб қичқирардилар. Вали ҳам уларга қўшилди. Анча вақт ўтиб деразалардан бирида таниш чеҳра кўзга ташланди. Ўша томонга талпинди. Лекин тўсатдан худди илон кўргандай таққа тўхтади — кулаётган хотини қўлида негр бола кўтариб турарди!..

— Вой-дод, негр! — ўкириб юборди у хунук овозда.

Одамлар шарақлаб кулдилар. Вали қўлидаги халтасини отиб юбориб, кўчага қараб чопди. Дағ-дағ титраганча автобусга чиқди.

Уйига иккита ароқ олиб кирди-да, эшикни ичкаридан қулфлади. Катта пиёлада тўлдириб-тўлдириб ичгач, қафасдаги яраланган шердай ириллаб айлана бошлади. Аламдан деворни муштлади, полни гумбурлатиб тепди. Бетиним жиринглаётган телефон гўшагини кўтармади, эшик қўнғироғига эътибор бермади.

Вали ичгани сари кўпроқ жазавага тушар эди. Хаёллари остин-устун. Охири хотини кир ёядиган чилвирни олиб, уч-тўрт қават қилди. Сиртмоқ ясаб, бир учини қандил тубига боғлади. Курсига чиқиб бўйнига сиртмоқ солди. Қўллари билан чилвирга осилди-да, курсини тепиб юборди. Кейин нима бўлганини билмайди.

Қаттиқ гумбурлаган овоздан безовта бўлган қўшнилар эшикни роса тақиллатиб, қўнғироқ чалишди. Жавоб бўлмагач, милиция чақирдилар. Эшикни бузиб очишди. Шўрлик янги ота қандил ва катта бир бўлак бетон парчаси тагида ётар эди. Қандилга қўшилиб бетон ҳам кўчиб тушибди.

Касалхонада хушига келганида оёқ-қўли, боши боғлаб ташланган эди. Аста-секин «ўтган кунлар»ни эслай бошлади. Даҳшат! Негрнинг ўгай отаси! Наҳотки, хотини... Йўқ! Негрни қаердан топади! Саёҳатга бормаган. Онаси ёки бувиси!.. Кейинчалик юзага чиқиши ҳам мумкинлигини ўқиган эди. Аммо буни кимга тушунтира оласан? Ҳам жисмоний, ҳам руҳий оғриқдан азобланиб тўлғонаркан, хотини кириб келди. Уялмай, тап тортмай!

— Вой, дадаси, сизга нима бўлди?! Ҳавотирланганимдан муддат тугамай чиқдим!

— Йўқол, негр!.. — бўкирди Вали.

— Айб менда! Ҳазиллашмай мен ўлай! Мана, қаранг!

— Нима, алмаштириб келдингми?

— Ҳазиллашмоқчи эдим. Мен билан битта негр аёл ётганди. Ўшанинг боласини кўрсатдим. Сизни бир довдиратиб, кейин ўзингизникини кўрсатмоқчи эдим...

**Ориф ФАРМОН**

# Мангу ишқ



*Ғуссалардан йиллар улғайди,*
*Ой чеҳралар гулдай сарғайди,*
*Ўжар юрак иқрор бўлмайди,*
*Яна сени кўргим келади!*
*Наво ўтди, бенаво ўтди,*
*Ўртамиздан бир дунё ўтди,*
*Тан олмадик, не хато ўтди,*
*Ҳамон сени кўргим келади!*
*Ғунчаларнинг лабида ҳайрат,*
*Энтиктирар қушчалар сайраб,*
*Келдим шунча ўзимни алдаб,*
*Нетай, сени кўргим келади!*
*Шалаббодир ёмғир кўйлаги,*
*Қучоқлайди чақмоқ билаги,*
*Оқ кўйлакли баҳор малаги,*
*Сени жуда кўргим келади.*
*Вақт туташди эшигимизда,*
*Соғинч қолган бешигимизда,*
*Мангу ишқ бор қўшиғимизда,*
*Сени жуда кўргим келади!*

# Чарх лаҳжаси

*Чарх лахжаси манда сезилди,*
*Дард парчаси танда кезинди.*
*Дил чарчади, банда эзилди,*
*Бардошлари бекор бўлди, дўст,*
*Ғам тошлари бозор бўлди, дўст.*

*Эй, ишқи дил, аркони давлат,*
*Ёлвораман, руҳимни англат,*
*Бу не дўзах, бу қандай жаннат?*
*Ёр сочлари чилтор бўлди, дўст,*
*Ғам тошлари бозор бўлди, дўст.*

*Телба ботин, тилда зоҳирман,*
*Дилда қотил, элда кофирман,*
*Бу жасадни кимга сотурман?*
*Жон қушлари абгор бўлди, дўст,*
*Ғам тошлари бозор бўлди, дўст.*

*Ўзим маҳбус, ўзимман қози,*
*Ўзим рози, ўзим норози,*
*Бу ўлчовга йўқдир тарози –*
*Кўз ёшлари гулзор бўлди, дўст,*
*Ғам тошлари бозор бўлди, дўст.*

# Аёл ва баҳор

*Кўзларингда чақмоқ ёлқини,*
*Сочларингда шиддат тўлқини.*
*Васлинг – ишқнинг сархуш талқини,*
*Сен баҳорни бошлаб келасан.*

*Қизғалдоққа тўлади томлар,*
*Дилдан озод бўлади ғамлар.*
*Хуш ҳаволи, наволи дамлар*
*Сен баҳорни бошлаб келасан.*

*Хумор кулишларинг чиройли,*
*Нозли юришларинг чиройли.*
*Инжу кумушларинг чиройли,*
*Сен баҳорни бошлаб келасан.*

*Ғунчалайди бўғзимда ҳайрат,*
*Боғлар қўйни гуллаган жаннат,*
*Бу не гулшан, бу қандай санъат?*
*Сен баҳорни бошлаб келасан.*

*Уйғонади баҳор ҳар нишда,*
*Қувват олар ҳар гул, ҳар ришта.*
*Сулув хилқат, қутлуғ фаришта,*
*Сен баҳорни бошлаб келасан.*

*Жаннат гули Момо Ҳавосан,*
*Одам Ато айтган навосан.*
*Қанча мақтов бўлса равосан,*
*Сен баҳорни бошлаб келасан.*

*Кўкда Ҳулкар бўлиб порлаган,*
*Ерда гавҳар бўлиб чорлаган.*
*Айт, ким сенга кўнгил ёрмаган?*
*Сен баҳорни бошлаб келасан.*

*Найчалайди найсонда тупроқ,*
*Яшил олам ёзади япроқ.*
*Боғларда бахт гуллайди оппоқ,*
*Сен баҳорни бошлаб келасан.*



**Нурулла ОСТОНОВ**

# Спорт оламида



**Футбол бўйича «Ўзбекистон кубоги—2008» финалини бевосита стадиондан ёки ойнаи жаҳон орқали кузатган мухлислар ҳақиқий футбол спектаклидан завқ олишди.**

## «Бунёдкор» – кубок соҳиби

Сўнгги йилларда «Пахтакор» жамоасининг якка пешқадамлигига кўникиб қолгандик. Бу йилги чемпионатда олтин медалларни деярли «Бунёдкор»га топшириб бўлган пахтакорчилар мамлакат кубогидан ҳам маҳрум бўлишди.

Учрашувнинг 40-дақиқасида «Бунёдкор» аъзоси Ривалдонинг ажойиб тўп оширишидан сўнг Жасур Ҳасанов ўзига берилган имкониятдан унумли фойдаланиб, ҳисобни очди. Лекин ушбу гол хурсандчилиги давом этаётган бир пайтда пахтакорчи Одил Аҳмедов узоқ масофадан Бугало дарвозасини аниқ нишонга олиб вазиятни тенглаштиришга муваффақ бўлди.

Учрашувнинг иккинчи бўлими бошларида пахтакорчиларнинг ҳужуми анча хавфли тус олди. Лекин шу куни Луизао, Хвостунов, Гочгулиев каби тажрибали футболчилардан ташкил топган мудофаа қўрғони ва дарвозабон Павел Бугалонинг маҳорати Виктор Жалилов шогирдлари учун бошқа тўп киритиш имконини бермади. Ўз навбатида «Пахтакор» дарвозабони Игнатий Нестеров ҳам бир неча бор жамоасини муқаррар голлардан сақлаб қолди. Асосий вақтда ҳисоб ўзгармагач, регламентга мувофиқ 15 дақиқадан яна қўшимча иккита тайм ўйналди. Ўйиннинг 89-дақиқасида захирадан майдонга тушган Анвар Солиев «қалдирғочлар» ҳужумини кучайтирди. Ўйинчи алмашинуви ўзини оқлади. Жамоасини қийин вазиятлардан олиб чиқадиган Анвар бу гал ҳам одатига содиқ қолди. У 101 ва 114-дақиқаларда Игнатий Нестеров дарвозасига икки тўп йўллаб, учрашув тақдирини тамоман ўзгартириб юборди.

«Бунёдкор» (Тошкент) – «Пахтакор» (Тошкент) 3:1 (1:1, 1:1, 3:1) Шундай қилиб, ўзбек футболида янги саҳифалар очишга интилаётган Тошкентнинг «Бунёдкор» жамоаси, тажрибали Зико шогирдлари тарихида илк бор мамлакат кубоги соҳиби бўлди.

**Акмал АБДИЕВ**

## «Нурчи»да спорт байрами

***Ўзбекистон ёқилғи-энергетика комплекси, кимё саноати ва геология ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгашининг Сирдарё вилоятидаги вакиллиги Ширин шаҳридаги иссиқлик электр станциясига қарашли «Нурчи» ўйингоҳида анъанавий 11 вилоят спартакиадасини ўтказди.***

Спартакиадада «Сирдарё ИЭС» ОАЖ, «Сирдарёэлектртармоқлари» ОАЖ, «Сирдарё ИЭС қурилиш» шўъба корхонаси, Фарҳод ГЭС, Гулистон нефт базаси унитар корхоналарида ишловчи ишчи-хизматчилардан 120 нафари қатнашди. Улар волейбол, мини-футбол, шахмат, шашка ва стол тенниси турлари бўйича беллашдилар.

Қизғин ва муросасиз ўтган баҳслардан сўнг натижалар қуйидагича бўлди: умумжамоа ҳисобида Сирдарё ИЭС — биринчи, Сирдарё электртармоқлари — иккинчи, Фарҳод ГЭС вакиллари учинчи ўринларни қўлга киритишди.

Мусобақа ғолибларига фахрий ёрлиқлар ва қимматбаҳо совғалар топширилди.

**Т.УМАРҚУЛОВ**

## Ёшлар йилига бағишланди

Юнусобод туманидаги машинасозлик касб-ҳунар коллежида пойтахтимиздаги металлургия ва машинасозлик соҳасига ихтисослашган коллеж ва академик лицей ўқувчилари ўртасида «Саломатлик» спартакиадаси бўлиб ўтди.

Унда тармоққа оид билим муассасаларидан келган жамоалар стол тенниси, шашка, шахмат, мини футбол бўйича ўзаро баҳслашишди.

Собир Раҳимов тумани қурилиш ва халқ ҳунармандчилиги касб-ҳунар коллежи ўқувчиси Шерзод Холматов ўсмирлар ўртасида шашка бўйича энг кўп очко жамғарган бўлса, Тошкент радиотехника коллежи тарбияланувчиси Д.Рихсимбоева қизлар ўртасида тенгсиз топилди.

Шахмат беллашувларида Юнусобод туман машинасозлик касб-ҳунар коллежи жамоаси аъзоси Ж.Абдувалиев ва ТДТУ қошидаги 3-академик лицей ўқувчиси Д.Панеркина ғолибликни қўлга киритди.

Мини футболда радиотехникларга тенг келадиган жамоа топилмади. Қизларнинг гўзал беллашувларига айланган волейбол баҳслари финалида эса Юнусобод машинасозлик касб-ҳунар коллежи жамоаси Собир Раҳимов тумани қурилиш ва халқ ҳунармандчилиги коллежи вакилларини 2:0 ҳисобида мағлуб этди.

Умумжамоа ҳисобида Собир Раҳимов қурилиш ва халқ ҳунармандчилиги коллежи биринчи, Юнусобод машинасозлик коллежи иккинчи, Тошкент радиотехника коллежи жамоаси учинчи ўринни банд этишди.

Ғолиб ва совриндорлар мусобақанинг кейинги босқичларида иштирок этишади.

**Алексей АЛИМКУЛОВ, «Ishonch» мухбири**

## Рассом хандаси







Рассом: Ҳусан СОДИҚОВ

# Кўприк остидаги учрашув

***Илиқ баҳор кунларининг бирида ўғли билан қишлоққа йўл олган Фарҳод амаки бобосининг ҳовли боғига етай деб қолганда, жаладан сўнг анҳор суви тошиб, ҳаммаёқни вайрон этиб юборганига, лойқаланган сув бетон кўприк устигача кўтарилиб, кутилмаганда кучук болаларини оқизиб бораётганига кўзи тушади.***

Афтидан кўприк остида ёруғ дунёга келган жониворларни тошқин сув ўз домига тортиб кетганди. Шўрлик она ит қирғоқ бўйлаб болалари ортидан чопиб борарди. Шу орада Фарҳод амаки қирғоққа яқинлашган кучукчаларнинг бирини қутқариб қолишга муваффақ бўлади. Лекин она ит кўринавермагач, у кучукчани халтага солиб йўлда давом этади.

Бобосининг ҳовли боғида кўпдан ит зоти асралмаганлиги учун салом-аликдан сўнг ҳамманинг эътибори қордек оппоқ кучукчага қаратилди. Кичкинтойлар ҳурсандчилигининг эса чек-чегараси йўқ эди. Улар учун чинакам байрам бўлди. Лекин мурғак жонивор совуқдан жунжукиб ҳали-вери оёққа тураолмасди.

Ота-бола баҳорги бир ҳафталик ўқув таътили охиригача шу ерда бўлишди. Бу муддат ичида мурғак жонивор халоскорининг эътиборидан четда қолмай ҳар куни сигир сути ва нон ушоқлари билан парваришланиб борилди. Секин-аста жонланиб, оёққа турди, кичкинтойларга эргашиб юрадиган бўлиб қолди. Унинг хатти-ҳаракатлари шаклланиб, бегоналарни кўрганида ҳуриб қўярди.

Ота-боланинг бобосиникига навбатдаги келишида автобусдан тушаркан, бетон кўприк яқинидаги асфальт йўлдан оқ жунлари ҳурпайганича оппоқ ит улар томон чопиб кела бошлади. Унинг ўткир нигоҳи ва йирик оёқ панжалари чўчитиб, беихтиёр бир неча сония йўл чеккасида туриб қолишди. Бундан уч ой илгари кўприк яқинидаги тезоқар тошқин сувдан уни қутқариб қолганлиги Фарҳод амакининг хаёлига ҳам келмаганди-да. Ит бирдан юввош тортиб халоскорининг кийим-бош ва пойабзалларини ялай бошлади. Шундагина у итни таниб, сумкасидаги нон бўлаклари билан сийлади. Моҳир овчи Фарҳод амаки ит зотининг ҳид билиш орқали ҳамма нарсани фарқлай олиши, таниш ва қадрдон одамлари унинг хотирасида мустаҳкам ўрнашиб қолишига яна бир бор амин бўлди.

## Овчи ҳикоялари



# Вафодор

***Азал-азалдан одам билан ит ўртасидаги ришта мустаҳкам бўлиб келган. Оғир уруш йилларида ҳам итлар одамлар билан ёнма-ён туриб санитар вазифасини бажаришган. Камалакдек товланиб турувчи рангларни биз бир-биридан қандай ажрата олсак, улар ҳам ҳид билиш орқали ҳамма нарсани фарқлай билишлари билан ҳамон кўмак бериб келишмоқда.***

Турғун амаки Нурота тоғ тизмалари оралиғида жойлашган Нарвон қишлоғидан асфальт йўлга чиқаркан, чиройли бир кучукча ортидан сира қолмай изма-из келаётганига кўзи тушади. Ўйинқароқ жониворнинг ёлғизликда бирон-бир фалокатга йўлиқишидан чўчибми, автобусда чамаси уч соат йўл босиб, уни Челак қишлоғига олиб келади. Устки томони малларанг, бўйин ва қорни оқ бўлганлигидан уни Олапар деб атай бошлайди.

Вақт ўтиши билан тиниб-тинчимас Олапар ҳовлига тамоман ўрганиб кетади. Унинг жағлари қисқа бўлса-да, тишлари устарадек ўткир, яхши сузиш қобилиятига ҳам эга эди. Айниқса, ов пайтлари ёмғирли ҳавода ботқоқлик ва қамишзор оралаб овчининг кўрсатмаларини бекаму кўст бажариши ҳайратланарли эди. Ҳар гал у билан ов қилиш Турғун амакига куч бағишларди.

Олапар овдан кейин тилини бир қарич чиқариб, ҳовлига биринчилардан кириб келар, сапчиб-ирғишлаб ўзини қўярга жой топа олмас, иштаҳаси ҳам карнай бўлиб кетарди. Ови юришмай қолган кезлари у мунғайиб тепаликдан бери келмас, қорни таталаб туришига қарамай, ялоғидаги овқатига қайрилиб ҳам боқмасди.

Орадан йиллар ўтди. Нима бўлди-ю, бир куни Турғун амакининг оиласи Нарвон қишлоғига кўчадиган бўлди. Юклар жойланган ҳайдовчи ирим қилиб Олапарни автомашинада олиб кетишга рози бўлмади. Жонивор эса жон-жаҳди билан занжирини узгудек бўлиб акилларди.

Куз охирларида кутилмаганда тун қоронғусида Олапар занжирини узиб ғойиб бўлади. Бундан хабар топган ҳовлининг янги хўжайини итни излаб бормаган, сўрамаган жойи қолмайди.

Тиниб-тинчимас Олапар тақир далалар кезиб, тупроқ йўллардан юриб, тоғу тошлар оша, ботқоқликдан лой кечиб, эгасини излашга тушади. Сабр-тоқатли, қўрқмас ва довюраклиги унинг аждоди бўлмиш она сиртлондан ўтган эмасми, Нарвон қишлоғига кетаверишда ўзига таниш бўлган уядошларига дуч келади. Унинг ҳид билиш қобилияти туғилган, униб-ўсган маконини топиб келишида ёрдам беради. Дафъатан эгасининг оёқ кийимлари исини олган жонивор бирдан юввош тортиб қолади.

Қисқаси, икки ҳафталик машаққатли йўл азобидан сўнг Олапар қовурғалари саналиб, оёқлари толиб, дармонсизланиб, Турғун амаки хонадонини топиб келади ва ўша кечасиёқ танаси музлаб, жон таслим қилади.

**Абдулла САИДОВ**

## Жасорат

# Доғда қолган қашқирлар



***Томди туманидаги «Жана шарво» қоракўлчилик ширкат хўжалигининг тажрибали чўпони Тоғай Темирбековнинг жасорати вилоят чорвадорлари ўртасида яшиндек тарқалди: Тоғай чўпон икки қашқирни қопқонга туширганмиш...***

*Қашқир энг айёр, чаққон, сезгир йиртқичлар сирасидан. Уни қўлга тушириш осон эмас. Тоғай чўпон ҳам анойиларданми... У қашқирларни икки ой пойлади. Бу ўртада йиртқичлар қўшни «Бирлик», «Керегетав», «Керизбулоқ» ширкат хўжаликлари чорвасига жиддий зиён етказди. Ниҳоят, чўпон қашқирларни тузоғига илинтирди. Жасорат муносиб тақдирланди. Хўжалик раҳбарияти бир саман от тақдим этди. Шунингдек, қашқирлардан қутулганига обдон суюнган чўпонлар унга биттадан қўй совға қилдилар.*

**Ёркул УМАРОВ**

ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ - ОЛИЙ БАХТ
O'.K.U.F. F.T.U.U.

Muassis:
O`zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

Bosh muharrir:
Abduxoliq Abdurazzoqov

Tahrir hay'ati:
Alla DOLJENKOVA, Anvar YUNUSOV, Dovud MADIYEV (Bosh muharrir o`rinbosari), Jahongir SHAROFBOYEV (Mas`ul kotib), Ma`mura ADILOVA, Mirzohid SODIQOV, Normamat AllAYOROV, Nosirxon AKBAROV, Oysuluv NAFASOVA, Pirimqul QODIROV, Sog`indiq NIYETULLAYEV, Shamsi ESONBOYEV

Bo`limlar:
Kasaba uyushmalari hayoti 256-87-63
Huquq va xalqaro hayot 256-87-73
Ijtimoiy-iqtisodiy siyosat 256-87-74
Milliy-ma`naviy qadriyatlar va sport 256-82-79
Xatlar va muxbirlar bilan ishlash 256-85-43
Reklama va e`lonlar 256-03-90

Manzilimiz:
100165, Toshkent shahri, «Buxoro» ko`chasi, 24-uy
E-mail: ishonch-doverie@mail.ru

Nashr ko`rsatkichi:
133; 134

Navbatchi muharrir: A.Qodirova
Navbatchi: A. Abdiyev
Musahhih: N.Mahaмov

Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchilar: H.Abdujalilov va Y.Mixaylovskiy

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: «Buyuk Turon» ko`chasi, 41-uy.

O`zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0116-raqam bilan ro`yxatga olingan.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. Sotuvda erkin narxda.

«Ishonch»dan olingan ma`lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko`rsatilishi shart. Mualliflar fikri tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin.

(h) - Tijorat materiallari

Босишга топшириш вақти - 21.00.
Топширилди - 21.00

Буюртма Г — 1014

9946 nusxada bosildi

2 5 6